



Устозларнинг устози 90 ёшида

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ва соҳа мутахассисларини тайёрлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган таниқли олима, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Атабаева Халима Назаровна муборак 90 ёшни қаршиламоқда. Нашримиз муштарийлари номидан устозларнинг устози ҳисобланган муҳтарама олимани қутлуғ кунлари билан самимий табриклаймиз. Янги йилингиз муборак бўлсин, кўнгилда туғилган барча орзу-ҳаваслар ушалаверсин, юзларга юзлашиб юринг, азиз устоз!

Халима Назаровна таъбир жоиз бўлса таъкидлаш лозимки, нафақат Ўзбекистонда, балки дунёда сановлидир. Чунки у болалигиданоқ китоблар меҳр қўйган, ўқиб-ўрганишдан завқ толган. Институтда, аспирантурада сабоқ олган чоғларида ҳам илм борасида ҳозиржавоблиги билан тенгдошларидан ажралиб турди, тадқиқотлардан бир зум бўлсин чалғимади ва фан доктори, илмий натижалари дунёнинг кўпчилиги давлатларида тилга тушган таинқли орлимага айланди. Бугун унинг бевосита илмий раҳбарлигида 25 нафар фан докторлари ва номзодлари етишиб чиққан бўлиб, уларнинг 5 нафари Покистон, Миср, Вьетнам, Сурия, Ливия мамлакатлари фуқаросидир.

Профессорнинг 4 нафар шогирдлари қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди ва профессор сифатида ёшларга сабоқ бермоқда. Уларнинг барчаси бағридарё устозларидан илм йўлида қўллаб қувватлагани, қийналган чоғларида тўғри йўлни кўрсатиб, руҳлантиргани учун миннатдор. Профессор Х.Н.Атабаева иқтидорли ёшларни тарбиялаш ва “Устоз-шогирд” тизимини янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Жумладан, магистратура ва таянч докторантурада илмий раҳбарлик қилган шогирди Хайруллаев Сардор Шамсиддин ўғли 2017 йилда Беруний номли Давлат стипендияси ҳамда 2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси

соҳиби бўлишга эришган.

Шунингдек, устоз раҳбарлигида 250 дан ортиқ битирув малакавий ишлари ва 40 дан ортиқ магистрлик диссертациялари бажарилиб, аъло баҳоларга ҳимоя қилинган. Битирувчиларнинг кўпчилиги ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида етакчи мутахассис ва раҳбар сифатида фаолият кўрсатмоқдалар.

Профессор Х.Н.Атабаева узоқ йиллар давомида ихтисослашган илмий Кенгаш илмий котибаси, ТошДАУ ва ПСУЕАИТИ ҳузуридаги ихтисослашган илмий кенгаш аъзоси, Республика Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ва Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказида ташкил этилган эксперт кенгашлари ҳамда Тошкент вилояти “Олима” аёллар уюшмасининг аъзоси сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Устоз ўз изланишларини дала экинларининг турларини, навларини, ҳар хил намуналарини тадқиқ қилиб, улардан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш технологияларини яратишга қаратган.

Илмий ишлари долзарб мавзуларга бағишланган бўлиб, қуйидаги асосий йўналишларда олиб борилмоқда:

1. Ем-хашак экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш технологияларини яратиш (беда, судан ўти, жўхори, маккажўхори).

2. Дунё бўйича озиқ-овқат хавфсизлиги ва оқсил тақчиллиги муаммоларини ҳисобга олиб, сероқсилли дуккакли-дон экинларини Республикамизнинг суғориладиган шароитида етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш.

3. Дон етиштириш муаммоларини ҳал қилишда бугдой навларининг ҳосилдорлик даражасини тадқиқ қилиш, юқори ва сифатли уруғ етиштириш масалаларини ҳал этиш.

4. Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларидан унумли фойдаланиш мақсадида йилига 2-3 марта ҳосил олиш, бугдойдан бўшаган ерларга такрорий экинларни экиб етиштириш технологияларини янада такомиллаштириш.

5. Ўзбекистонда соя ўсимлигини ўрганиб, етиштириш технологиясини яратиш ва такомиллаштириш.

6. Ўзбекистонда ерёғоқ ўсимлигидан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш технологиясини илмий асослаш.

Кўриб турганингиздек олима барча тадқиқотларида экологик муҳитни сақлаш, тупроқ унумдорлигини оширишга жиддий эътибор қаратган ва бу ёш олимлар учун ибрат намунасидир.



Ҳалима Назаровна илмий изланишлар натижаси сифатида 1966 йилда ТошҚХИда “Оқжўхорини дон - дуккакли экинлар билан қўшиб экиш” мавзусида номзодлик, 1990 йилда Москва Қишлоқ хўжалик Академиясида “Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида ем-хашак экинлари ҳосилдорлигини оширишнинг технологик асослари” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Унга 1992 йил “Ўсимликшунослик” ихтисослиги бўйича профессор унвони берилди.

Х.Н.Атабаева кўп йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида 400 дан ортиқ илмий-услубий ишлар чоп эттирган, шу жумладан у 23 та дарслик ва ўқув қўлланмалар, 15 та монография, 30 та услубий қўлланмаю рисола, 43 та услубий кўрсатма, 18 та тавсиянома, 300 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифидир.

“

Яна бир қувончли жиҳат шундаки, 2001 йил “Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи” Республика танловида профессор Х.Н.Атабаева томонидан яратилган “Ўсимликшунослик” дарслиги биринчи ўринга лойиқ кўрилди. 2005 йилда олиманинг яна бир китоби - “Ўсимликшунослик” ўқув қўлланмаси яна ғолиб топилди, 2004 йилда эса “Ўсимликшунослик” электрон дарслиги 3-ўринга лойиқ топилди. Мана шу натижаларнинг ўзиёқ олима китобларининг нечоғлик юксак савияда яратилганидан дарак беради. Бу тинимсиз изланишлар, уйқусиз тунлар меvasидир. Бундан ташқари устоз илмий изланишлари натижасида нўхатнинг ноқулай иқлим шароитларига чидамли янги “Мальхотра” ва “Халима” навларини яратишга муваффақ бўлди. Бу нав-ларга 2 та патент берилиб, давлат реестрига киритилди.

Юксак салоҳиятли олима ўзининг меҳнаткашлиги, камтарлиги, ғамхўр мурабийлиги билан ўз ҳамкасблари орасида обрў ва ҳурматга сазовор инсондир. Университетда эълон қилинган танловларда устозимиз “Университетда хизмат кўрсатган профессор”, “Энг яхши кафедра мудири”, “Йилнинг энг яхши илмий раҳбари” дея эътироф этилган.

Кўп йиллик самарали меҳнатларининг натижаси, илм-фан олдидаги юксак хизматлари, ёшларни истиқлол ғоялари ва ватанга садоқат руҳида тарбиялашдаги фаол иштироклари учун олима 1998 йил “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими” унвони, 2017 йил “Дўстлик” ордени билан тақдирланди, 2019 йилда Турон Фанлар Академиясининг академиклиги, 2021 йил “1-даражали Меҳнат фахрийси” ва 2023 йил “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги фидойиси” кўкрак нишон-ларига сазовор бўлди.



Таниқли олима, устоз ҳозирги вақтда ҳам катта ғайрату шижоат билан талаба ва магистрларга дарс бериш билан бирга, 2 нафар докторант ва 2 нафар магистрларга илмий раҳбарлик қилмоқда.

Фидойи олима, ёшларнинг талабчан ва меҳрибон усто-зи Ҳалима Атабаевани муборак ёш билан табриклаб, унга мустақкам соғлиқ, туганмас ижодий фаоллик, бахт ва шахсий ҳаётида тўқислик тилаймиз. Сизга кўз тегмасин, устоз!

Бир гуруҳ шогирдлари.

УЎТ: 632:632,5:632.951

ФОТИНИЯ ЎСИМЛИГИ КЎЧАТЛАРИДА УЧРАЙДИГАН АКАЦИЯ ШИРАСИГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ БИОЛОГИК САМАРАДОРЛИГИ

Хўжаев Шомил Турсунович

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти
Бўстонлиқ тоғ илмий-тажриба станцияси, қ.х.ф.д., профессор

Бойжигитов Фозил Мухаммадиевич

Тошкент шаҳар Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи, қ.х.ф.н., катта илмий ходим

Нуржобов Аббос Уткирович

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти
таянч докторанти

<https://orcid.org/0009-0002-0479-0727>

Аннотация. Ушбу мақолада манзарали бута ўсимлиги - фотинияда тарқалиб, унга зарар етказадиган акация ширасига қарши янги истиқболли инсектицид-акарицидларни синаб ўрганиш натижалари келтирилган. Унга монанд, қуйидагилари энг самарали деб топилди, амалиётга ишлатиш учун тавсия қилинди: Вертимос Голд, 5% эм.к.-0,4 л/га, Вертимос ИКС, 6% сус.к.-0,3 л/га, Агроплан НЕО, 20% с.э.к.-0,3 кг/га, Мекар м.эм, 18 г/л.-04 л/га.

Калим сўзлар: манзарали ўсимликлар, фотиния, зараркунандалар, ширалар, инсектицид-акарицид, синаш, самарадорлик.

Аннотация. В статье приведены результаты испытания новых перспективных инсектицид-акарицидов в борьбе с акациевой тлей на декоративных кустарниках фотинии. По результатам этих испытаний отобраны и рекомендованы в производство следующие инсектициды: Вертимос Голд, 5% эм.к.-0,4 л/га, Вертимос ИКС, 6% сус.к.-0,3 л/га, Агроплан НЕО, 20% с.э.к.-0,3 кг/га, Мекар м.эм, 18 г/л.-04 л/га.

Ключевые слова: декоративные растения, фотиния, вредители, тли, инсектицид-акарицидов, испытания эффективность.

Abstract. This article presents the results of testing new promising insecticide-acaricides against the acacia aphid, which spreads and damages the ornamental shrub plant - photinia. As an alternative to it, the following were found to be the most effective and recommended for use: Vertimos Gold, 5% sus.k.-0.4 l/ha, Vertimos IKS, 6% sus.k.-0.3 l/ha, Agroplan NEO, 20% s.e.k.-0.3 kg/ha, Mekar m.em, 18 g/l.-04 l/ha.

Keywords: landscape plants, photinia, pests, aphids, insecticide-acaricide, test, fertility.

Кириш. Манзарали ва бута ўсимликлари эстетик чиройи ҳамда жозибаси учун етиштирилади. Бу уларни шаҳар яшил майдонлари учун кенг танловга айлантиради, чунки уларнинг афзалликлари аҳоли фаровонлиги ва руҳий саломатлигини қўллаб-қувватловчи экотизим хизматларини тақдим этишни ўз ичига олади. Шаҳарлар ер юзининг қарийб 3% ни эгаллайди. Шаҳарни кўкаламзорлаштиришнинг афзалликлари аниқ бўлса-да, барқарор амалга ошириш ҳали ҳам муаммоларга дуч келмоқда, чунки шаҳар ҳудудлари ўсимликлар учун уларнинг асосий эҳтиёжлари ёки манзарали ўсимликларнинг гуллаш қобилияти учун кўп даражадаги қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Шунингдек, манзарали ва бута ўсимликлардан истироҳат боғлари ва шаҳар кўчаларини кўкаламзорлаштиришда кенг қўлланилади. Ўсимлик нафақат хомашё ва турли маҳсулотлар манбаи, балки табиий муҳитни яхшиловчи асосий омиллардан биридир. Ўсимлик дунёсининг ҳаётий фаолияти иқлимга ўз таъсирини ўтказади, яъни ҳаводаги CO₂ ҳамда бошқа зарарли газлар тутунини ўзлаштириб зарарсизлантиради, шаҳар ҳавосидаги чанг миқдорини камайтиради, шовқинни пасайтиради, дарахтлар томонидан ажратилган фитонцидлар ҳаводаги касаллик қўзғатувчи бактерияларни кескин камайтиради [8].

Фотиния - *Photinia fraseri* little red ўсимлиги Rosaceae oilасига мансуб бўлиб, Шарқий ва Жанубий Осиёда кенг тарқалган. Ушбу ўсимлик 5 метргача баландликка ўсади. Кичик, аммо кучли доимий яшил бута бўлиб, унинг ажойиб қизил барглари билан ўзига хосдир. Бу ўсимлик ўзининг ихчам ўлчамлари ва жонли ранги билан машҳур бўлиб, уни барча ўлчамдаги боғлар учун ажойиб танлов ҳисобланади.

Фотиния ўсимлиги қурғоқчиликка чидамли ва зарарли моддаларни ўз ичига олган бир қатор ўсиш шароитларига тоқат қила оладиган бардошли ўсимликдир. Бундан ташқари, кам парвариш талаб этади, бу эса тажрибали боғбонлар учун идеал танловдир [6].

Фотиния кўчатларида учрайдиган акация ширасининг био-экологик ривожланиш хусусиятлари ўрганилган, тарқалиш ареали ҳамда зарар келтириш даражаси аниқланган бўлиб унга қарши курашда замонавий инсектицид синовлардан ўтказиш бўйича илмий-изланишлар ўтказиш талаб этилади.

Акация шираси барча қитъаларда, Осиё, Америка, Европа ва Африкада ҳамда Австралияда учраб, қишлоқ хўжалик экинларга ва айрим дарахтларга кучли зиён етказиши [7].

Акация шираси қишлоқ хўжалиги экинларига энг кўп зарар етказадиган зараркунанда бўлиб, у ўсимлиكنинг ўсиши ва ривожланишини орқада қолишига ҳамда ҳосилдорлигини